“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ТАТУ Фарғона филиали директори
А.М.Расулов
“05” январь 2021 йил

48. АХБОРОТ КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЛИМИ:(АБОНЕМЕНТЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, ЎҚУВ ЗАЛЛАРИ ВА КИТОБ САҚЛАШНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ХОЛДА) БОШ КУТУБХОНАЧИСИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

• Ахборот - ресурс маркази директори Филиал директори томонидан тайинланади; фаолиятини бошкаради.

• Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг қарор ва фармонларига: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва кутубхоначилик иши бўйича юқори ташкилотларнинг бошқарув материалларига: Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетнинг илмий кутубхонаси томонидан тавсия эти лган методик қўлланмаларга ва бошқа материалларга, Филиал буйруқлари, кўрсатмалари, тавсиялари, методик қўлланмалари, Мехнатни мухофаза килиш техника хавфсизлиги ва ёнғиндан сақлаш бўйича коида ва фармойишларга амал қилади;

• Ўз фаолият мазмунини ва аниқ шаклларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июн “Республика аҳолисини Ахборот кутубхона хизматини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ – 381 сонли қарори ва низомда кўрсатилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқаришда иштирок этиш;

• Хизмат кўрсатиш бўлими мудирига бўйсунади, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш шунингдек, илмий - услубий ва илмий - текширув ишларини ташкил этиш. Адабиётларни тарғибот этишини юқори даражада таъминлаш, АРМ фондидан фойдаланишни тахлил қилиш.

• Фойдаланувчиларни сўровларини ўрганиш, уларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

• Иш режаси асосида бўлим ишларини ташкил этиш, режани тўлиқ амалга оширишда қатнашиш;

• Турли анжуманлар, оммавий тадбирларни юқори савияда ўтказиш;

• Белгиланган муддатларда бўлим фаолияти юзасидан бўлим бошлиғига ёзма ҳисобот бериш;

• Фойдаланувчиларга зарур хужжатларни қидириш ва олишда ёрдам кўрсатиш;

• Фойдаланувчилар қайтарган адабиётларни жойлаштириш;

• Хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш, китобхонларга керакли асарлар ҳужжатларни танлашда ёрдам бериш;

• Картотека ва каталоглардан фойдаланиш ҳақида оғзаки маслаҳат бериш;

• Китоб кўргазмаларини ташкил этиш, библиографик шарҳлар ўтказиш;

• АРМнинг коорпоратив АРМАТ дастури билан ишлаш, адабиётларнинг йиғма электрон базасини бойитиб бориш;

• Бўлим ихтиёридаги моддий қийматликларни эхтиётлаш чораларини кўриш.

Билиши керак:

Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларни билиши.

Малака талаблари:

• Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

• Олий маълумотга эга бўлиши;

• Касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

• Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Жавобгарлиги.

- Филиал Уставини ва ички меҳнат тартиби қоидаларини, Филиал директорини буйруқлари, фармойишларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, ушбу Йўриқнома билан ўрнатилган лавозим мажбуриятларини узрли сабабсиз бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги, шу жумладан, берилган ҳуқуқларидан фойдаланмаганлиги учун меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортилади;
- Таълим олувчининг шахсига жисмоний ёки психик зўравонлик ўтказиш билан боғлиқ тарбия методларини шу жумладан, бир марта қўллагани учун меҳнат қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги кунига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин;
- Ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш, АРМ ишининг санитария- гигиена қоидаларини бузганлиги учун маъмурий қонунларда кўзда тугилган ҳолларда ва тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади;

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
223	Бош кутубхоначи	1229	Б	Олий маълумот	5350600